

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРДИЕВ САЙДАЛИ АШУРОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ШАРҚ ЖИЙДАСИНИНГ (*ELAЕAGNUS
ORIENTALIS* L.) ИСТИҚБОЛЛИ ШАКЛЛАРИНИ ТАНЛАШ
АСОСИДА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.03.01 – “Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни кўкаламзорлаштириш. ўрмонлар агромелиорацияси ва ҳимоя ўрмонларини барпо этиш” ва 06.01.05-“Селекция ва уруғчилик” ихтисосликлари бўйича диссертация ҳимоясиз селекция ютуғи (ихтиро патент) асосида қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун

ТАҚДИМОТИ

Илмий маслаҳатчи:

қ.х.ф.д.и, профессор А.Қайимов

ТОШКЕНТ–2022

КИРИШ (фан доктори (DSc) тақдимоти селекция ютуғи (ихтиро патенти) аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Маълумки, дунёда ёввойи меваги ўсимликларни маданийлаштиришга яъни оддий селекцияга бундан 5000 йил аввал асос солинган ва илк бор одамлар ўз эҳтиёжлари учун узум, зайтун, олма, беги ва ўрикларни маданийлаштирганлар. Эрамиз бошларида цитрус ўсимликларни, ўрта асрларда ёввойи меваги ўсимликларни маданийлаштириш яъни халқ селекцияси даври бошланган. Шу даврда кўпгина меваги истеъмолбоп маҳаллий навлари ва шакллари яратилган ва озиқ-овқат манбаси сифатида қадрланиб фойдаланилган. Шунга кўра ўсимликлар ресурсларини маданийлаштириш, ҳосилдорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган узлуксиз ишлар ҳар бир давлатда озиқ-овқат хавфсизлиги юзасидан, аҳоли турмуш даражаси ҳамда биоэкологик мувозанат барқарорлиги учун устувор йўналиш ҳисобланади.

Дунёда маданий ўсимликларнинг 7 мингдан ортиғи ўрганилиб 1000 дан ортиғидан гербарийлар тайёрланган¹. Шу билан бирга меваги дарахтларнинг илмий селекцияси асосчилари Л. Бербанк ва И.В. Мичурин (1855-1935) ҳисобланадилар. Машҳур селекционер олим И.В. Мичурин ўз фаолиятида ёввойи меваги ўсимликларни кўплаб маданий навларини яратган ва “Биз ҳали табиатдан барча нарсаларни олмадик, ёввойи ўсимлик шаклларининг бекиёс ресурслари ҳали ўрганилмай ётибди балки улар орасида замонавий фанга номаълумлари ҳам бўлиши мумкин. Бу менинг янги навлар ва шакллар яратиш борасида олиб бораётган ижодий ишим учун зарур манбадир” деб таъкидлаган эди. Албатта, ўсимликларни генетик ресурслари ҳар бир мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини ва аҳоли турмуш даражасини кўтаришда ҳал этувчи муҳим рол ўйнамоқда. “Биохилма-хиллик ҳақида Конвенция” (1992) қабул қилингандан сўнг, ўсимликларни табиий ҳудудлардаги генетик биохилма-хиллигини ўрганиш ва улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси «Озиқ-овқат хом ашё базасини кенгайтириш.....» вазифалари белгилаб берилган. Бу борада шарқ жийдасини истиқболли навларини етиштиришда ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига мелиоратив ҳолати оғир ерларга чидамли, юқори ҳосилли янги навларини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш амалий аҳамиятга молик иш турларидан ҳисобланади. Шунга кўра, бугунги кунда ҳам меваги ўсимликларни ёввойи аجدодларини ўрганиш ва кўпайтиришга қизиқиш ортмоқда. Шарқ жийда меваги дунёнинг кўпгина давлатларида қадимдан озиқ-овқат ресурси сифатида фойдаланилган. Мева этидан унсимон кукун тайёрланган ва буғдой хамирига қўшилган. Жийда жуда қадимда инсон томонидан маданийлаштирилган ўсимлик ҳисобланади. Республикаимизнинг турли минтақаларида ўстирилаётган жийдани илмий ўрганиш, навларини яратиш, озиқ-овқат, фармацевтика саноатида ва турли мақсадларда фойдаланиш имкониятларини аниқлаш, шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 январдаги № 5-сон “2015-2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини ривожлантириш, доривор ва озиқабоп ўсимликлар хом-ашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги мажлис баённомаси ҳамда 2019 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаларида “Биз бор куч ва имкониятларимизни ишга солиб, Оролбўйидаги вазиятни яхшилаш бўйича ҳаракатларимизни янада кучайтирамиз, деб ушбу ҳудуддаги вазиятни яхшилашга қалатилган мурожаатлари, 2020 йилнинг 4 сентябрида “Ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича” йиғилиши ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.“Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Жийда озиқ-овқат ва доиворлиги ҳамда халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги туфайли, жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан тадқиқот ишлари олиб борилган. Москва давлат университети, акад. Комаров номидаги Ботаника институти, Тожикистон ФА Ботаника институтларида, Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институти, И.М. Сеченов номи биринчи Москва давлат тиббиёт университетида жийда турларининг тарқалиши, биоэкологияси, генетик ресурслари ва витамин таркиби ва фармацевтика саноатида фойдаланиш имконияти, жийданинг тарқалиши, меваларининг биоморфологик кўрсаткичлари ҳамда истиқболли маҳаллий нав ва шаклларни кўпайтириш (Ўзбекистонда) олиб борилмоқда.

Жийда *Elaeagnus* L., туркуми ҳақида илк бор тадқиқотчи И. Турнефор (Tournefort) томонидан 1700 йилда флористик таҳлил қилинган. К. Линней, A.Richard, М. Серветтацлар томонидан жийда туркуми вакиллариининг турлари географик тарқалиши, биохилма-хилликдаги аҳамияти атрофлича ўрганилган. Жийданинг биоэкологияси ва хўжалик аҳамияти Erpel-Hotz Angelika, Catling P.M, Edgin B.R., Ebinger J.E. Канаданинг Онтарио провинциясидаги илмий изланишларида баён этилган. *Elaeagnaceae* оиласи монографияси М. Серветтац (*Servettaz*) ҳам ўз асарида оилага 3 туркумни киритади: *Elaeagnus*, *Hippophae* ва *Shepherdia*. Шуни таъкидлаш лозимки, *Elaeagnus* ва *Hippophae* туркуми вакиллари жанубий-ғарбий Осиё ва Европада тарқалган бўлса, *Shepherdia* турлари фақатгина Шимолий Америкада ўсади. К. Линней *Elaeagnus* туркумига шарқ жийдаси – *E. orientalis* турини киритди ва “шарқдаги ўсимлик” сифатида илмий номланган, тадқиқотчи фикрича ушбу жийда тури шарқда кенг тарқалган тур сифатида ўрганилган. А.А. Гроссгейм “Кавказ флораси” учун Д.И. Сосновский қарашларига асосланган ҳолда 2

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи:
<https://en.wikipedia.org/wiki>

жийда турини келтиради: *E. orientalis* Туркияда тарқалган деб ҳисоблайди. “Ғарбий Сибирь флораси” да П.Н. Крылов жийданинг кенг тарқалган, яъни Испаниядан токи Тибет ва Ҳимолайгача ўсувчи турини *E. angustifolia* деб ҳисоблайди. Жийда туркуми (*Elaeagnus* L.) жийдадошлар (*Elaeagnaceae* Lindl) оиласига мансуб бўлиб, Европа, Осиё ва Шимолий Америкада табиий тарқалган, унинг 40 га яқин тури мавжуд. Жийда туркумининг биохилма-хиллиги жанубий-шарқий Осиё; Корея, Хитой (Тайвань билан биргаликда) Ҳиндихитой, Бирма, Малайзия, Япония мамлакатларида ҳам ўсади. Бессчетнов С.В. Қозоғистонни жанубий шарқидаги табиий жийдазорларни тадқиқ этган. Уларнинг полиморфизми ҳўжалик ва адаптив аҳамиятга эга белгилари бўйича баҳоланган. Жийда меваларини юқори хилма-хиллиги қайд этилган, уларда танлаш ишларини ўтказиш ва истиқболли шаклларни селекция жараёнида фойдаланиш тавсия этилган.

Дунёда жийданинг йирик мевали истиқболли нав ва шакллари танлаш, уларда селекция ишларини олиб бориш ҳамда меваларининг биокимёвий таркибини ўрганиш, уларни клонларини етиштириш, стандарт кўчатлари асосида она ва саноат плантацияларини яратиш бўйича устувор тадқиқотлар олиб борилмоқда: жумладан, табиий ва маданий шакллар орасидан янги истиқболли сермахсул намуналарда селекция ишлари; озиқ-овқат ва фармацевтика саноатидаги аҳамияти; меваларнинг товарлилик хусусиятлари; жийданинг ўсимлигининг мелиоратив ҳолати оғир бўлган ерларда ўса олиши билан бирга, ҳудуд биохилмахиллигини кўпайтириш, флора ва фауна мувозанатининг барқарорлаштириш асосида биоэкологик самарадорликни ошириш.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Қозоғистонни Қизил Ўрда вилоятида жийда аралаш тўқайзорлари 7190 га бўлиб, ундан ҳар йили 100 т жийда меваси тайёрланади, 100 та жийда дарахти 700 кг мева ва 5 кг жийда смоласи (лоховая камедь) беради. Сахалин қишлоқ ҳўжалиги илмий тадқиқот институтида “кўпгулли жийда” нинг 465 та намунасидан иборат коллекцияси барпо этилган. Институтда бу ўсимлик-нинг бир неча навлари яратилган ва давлат реестрига 4 та нави киритилган. 1999 йилда “Сахалинский первый” 2000 йилда “Монеран” нави давлат реестридан ўрин олган. 2006 йилда “Крильон” ва “Тайса” навлари районлаштирилган³. Жийда *Elaeagnus* L. туркумидаги турлар таркиби унинг географик ва фармакологик хусусиятлари Р.Д.Кусова томонидан, Е.А.Абизов томонидан эса унинг кимёвий, биологик ва дориворлик хусусиятлари тадқиқот қилинган. Ўзбекистонда жийданинг маҳаллий навларини ўрганиш бўйича илк бор И.Азимов томонидан тадқиқотлар ўтказилган. Ушбу тадқиқотларда, шарқ жийдасининг истиқболли шакллари ва меваларини биокимёвий таҳлили ўрганилган. Шу даврда институтда Тросько И.К., Данилин В.Н каби ўрмоншунос олимлар жийда дарахтидан елим олиш услубини ишлаб чиқдилар. 1958 йилда жийда туркуми Г.П. Сумневич томонидан “Флора Ўзбекистана” илмий тўпламида флористик таҳлил этилган.

³ http://od.geology.lnu.edu.ua/phis_geo/fourman/Cadok/Gymi.htm

Ўзбекистонда жийда турларининг географик тарқалиши, интродукциясини ўрганиш ва кўпайтириш ишлари бўйича ботаник олим Ҳайдаров Х.К. томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Муаммони ўрганиш жараёнида мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда шарқ жийдасининг генетик ресурслари, унинг биологик ва экологик хусусиятларига кўра уларнинг янги навларини яратиш ва улар асосида она плантациясини яратиш шу кундаги ўрмончилик амалиёти учун муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқотлар № КХА 7-069 V - сон “Нон жийданинг серхосил ва йирик мевали шакллари танлаш ва вегетатив кўпайтириш усуллари ишлаб чиқиш” (2009-2011 йй.) ва №ТХИ-5-050-2015 - сон “Шарқ жийдасининг истиқболли шакллари асосида оналик плантациясини барпо этиш” (2015-2016 йй.) мавзусидаги илмий-амалий инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тадқиқот ишининг асосий мақсади Ўзбекистонда Шарқ жийдаси (*Elaeagnus orientalis* L.) нинг био-морфологик кўрсаткичларини аниқлаган ҳолда танлаш услубида янги навларини яратиш, клонлари асосида кўчатларини вегетатив услубда етиштириш, етиштирилган кўчатлар асосида мелиоратив ҳолати оғир таназзулга учраган (Оролбўйи минтақаси) ерларда она плантациясини барпо этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шарқ жийдасининг географик келиб чиқиши турлича бўлган истиқболли шакллар асосида яратилган она коллекцион боғида уларни био-морфологик кўрсаткичларини ўрганиш, дастлабки манбалар танлаш;

истиқболли шаклларда қимматли хўжалик белги хусусиятларини даражасини аниқлаш;

истиқболли шаклларни танлаш жараёни босқичларида ҳосилдорлигини аниқлаш;

жийданинг истиқболли шакллар меваларини дегустация қилиш ва танлаш жараёни босқичларида мевани сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

ҳосилдор, мева сифати юқори бўлган истиқболли шакллар асосида жийданинг янги навларини яратиш;

жийданинг навларини вегетатив кўпайтириш ва уларнинг Оролбўйи минтақасида она плантациясини барпо қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республикамизнинг турли вилоятларида тарқалган 87 та маҳаллий шарқ жийдасининг шакллари, улар орасидан ажратиб олинган шарқ жийдасининг Тошкент-16, Тошкент-22 ва Самарқанд -7 истиқболли шакл намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб, шарқ жийдасининг истиқболли шакллари ва навлари меваларининг морфологияси ва сифат кўрсаткичлари, фенологияси, ўсув даври давомийлиги новда қаламчаларидан илдиз олдирилган кўчат - клонлари ҳамда она плантацияси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, “Жийданинг истиқболли шакллари танлаш ва уларни комплекс баҳолаш” бўйича Тавсиянома (2017), “Шарқ жийдасининг (*Elaeagnus*

orientalis L.) истиқболли шакллари комплекс баҳолаш услуги” (2019) асосида, навларнинг новда қаламчаларини тайёрлаш, экиш ва парваришлаш стандарт кўчат чиқишини ҳисоблаш, жийданинг новда қаламчасидан илдиз олдирилган кўчатлари О’зДСт 2813:2014, ГОСТ – 24835-81 «Саженьцы деревьев и кустарников» давлат стандартлари техник шартлари талаблари бўйича ва «Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодовых культур» (1999) услубий қўлланмаси талаблари асосида амалга оширилган. Дала тажрибаларидан олинган натижаларни статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А. Доспехов услуги бўйича ҳисобланган.

Тадқиқонинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба Республикамизда жийда навларини яратишда, Тошкент, Фарғона, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхандаё, Хоразим ва Қорақалпоғистон экотиплари меваларидан бошланғич намуналар сифатида фойдаланилган ва улар орасидан танлаш асосида жийдани 3 та нави яратилган;

Ўзбекистонда биринчи марта яратилган жийда навларининг қимматли-хўжалик белгилари, ўсиши ва ривожланиши аниқланган;

Ўзбекистонда биринчи марта шарқ жийданинг фенотипик белгилари 8 та баҳолаш мезонлари асосида устунлик кўрсаткичлари аниқланган ва бошланғич намуналар сифатида ТошДАУ қошидаги она коллекцион боғидаги шакллардан танлаб олинган;

Ўзбекистонда биринчи марта жийданинг назорат вариантыга нисбатан 3 та яратилган навларнинг мева маҳсулдорлик кўрсаткичлари 2-3 баробаргача юқорилиги асосланган;

Республикамизда илк марта шарқ жийданинг 15, 20, 25, 30 см узунликдаги қаламчаларидан етиштириш агротехникаси ва плантациясини барпо этиш бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Республикамизда биринчи марта 8 та вилоят экотипи шароитида ўсиб турган 87 та жийданинг плюсли (мусбат) шакллари танланиб, улар орасида 27 та истиқболли шакллар ажратилган ва 23 таси асосида ТошДАУ қошидаги “Ахборот маслаҳат маркази” тажриба майдонида шарқ жийдасининг коллекцион боғи барпо этилган;

шарқ жийдасининг Тошкент-16 (№065), Тошкент-22 (№064), Самарқанд -7 (№066) рақамли селекция ютуғлари учун ГУВОХНОМАлар олинган ва Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестри рўйхатига киритилган;

шарқ жийдасининг ташқи муҳит ноқулай омилларига чидамли, юқори ҳосилли, сифат кўрсаткичлари юқори “Тошкент-16”, “Тошкент-22” ва “Самарқанд -7” навлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган;

шарқ жийдаси (*Elaeagnus orientalis* L.) нинг 3 та навлари яратилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан Тошкент -16 (NAP 00279), Тошкент – 22 (NAP 00280) ва Самарқанд -7 (NAP 00278) навларига ПАТЕНТ олинган;

шарқ жийдасининг ташқи муҳит ноқулай омилларига чидамли, юқори ҳосилли, сифат кўрсаткичлари юқори “Тошкент-16”, “Тошкент-22” ва

“Самарқанд -7” навлари яратилган ва Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли давлат ўрмон хўжалигининг ер майдонида 1 гектар, Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги ер майдонида 3 гектар майдонда жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Олинган тадқиқот натижалари лойиҳалар доирасида бажарилганлиги ва апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, оралиқ ва якуний ҳисоботлар ТошДАУда муҳокама этилганлиги ва ижобий тақриз қилинганлиги, олинган тадқиқот натижалари халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги ҳамда илмий журналларда чоп этилганлиги, олинган тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Республикамизда биринчи марта жийдани она плантациясини барпо этиш учун 23 та истиқболли шакллар илмий жиҳатдан ўрганилганлиги ва улар асосида ТошДАУ қошидаги “Ахборот маслаҳат маркази” ДУК тажриба майдонида Коллекцион жийда боғи барпо этилганлиги ва ушбу коллекция орасидан танлаш йўли билан 3 та «Тошкент -16», «Тошкент -22» ва «Самарқанд -7» навлар яратилганлиги (NAP 00279), (NAP 00280) ва (NAP 00278) рақамли патентлар олинганлиги илмий жиҳатдан асосланганлигини билдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шарқ жийдасининг яратилган навларининг ёғочлашган новда қаламчалари асосида кўчатзорда қисқа – 1 вегетация даврида стандарт кўчатларини етиштириш технологияси ишлаб чиқилган, бунинг натижасида ўрмон хўжаликларида ялпи етиштирилган кўчатларнинг 70–80% қисми стандарт кўчатлар сифатида чиқиш имконияти аниқланган ва ушбу стандарт кўчатлар асосида Оролбўйи минтақасида она плантацияси яратилган, ушбу она плантация клонлар олиш манбаи бўлиб хизмат қилади, плантацияда экилган жами 1334 туп жийда кўчатларидан 3 (уч) йилдан сўнг ҳар бир тупдан 150 донадан (клон) қаламча тайёрланганда жами 200 минг донани ташкил қилади, 4-5 йилларда 2-3 баробар кўп қаламчалар тайёрлаш ва янги навлар кўчатларини етиштириш ва жийда плантацияларини барпо этиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот (ўсимлик нави патенти) натижаларининг жорий қилиниши. Шарқ жийдасининг (*Elaeagnus orientalis* L.) истиқболли шаклларини танлаш орқали янги навларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида;

Шарқ жийдасининг “Тошкент -16”, “Тошкент – 22” ва “Самарқанд -7” навлари яратилиб, “Шарқ жийдасини комплекс баҳолаш, истиқболли шаклларини вегетатив кўпайтириш ва плантациясини барпо этиш бўйича тавсиянома” тасдиқланган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йилнинг 28 мартдаги 03/18-1544 – сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома Қорақалпоғистон Республикасининг шўрланган майдонларида шарқ жийдасини парваришlashда қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли давлат ўрмон хўжалиги майдонларида шарқ жийдасининг “Тошкент -16”, “Тошкент – 22” ва “Самарқанд -7” навларидан 500 туп кўчат тайёрланиб, 1,0 гектар майдонга жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2022 йилнинг 28

мартдаги 03/18-1544 – сон маълумотномаси). Бу эса ўз навбатида биохилма-хилликни сақлаш, генофондни бойитиш, флора ва фауна учун озуқа манбаини яратиш, шу билан бирга дарахтлардан клонлар олиш ва кўпайтириш ҳамда шўрланган ерларга экиш учун манбаа сифатида хизмат қилмоқда;

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги майдонларида шарқ жийдасининг “Тошкент -16”, “Тошкент – 22” ва “Самарқанд -7” навларидан 278 тупдан, жами 834 туп кўчат 3,0 гектар майдонга жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг 2022 йилнинг 28 мартдаги 03/18-1544 – сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йилнинг 28 декабрдаги Олий Мажлисга МУРОЖААТНОМАСИ (Орол денгизининг сувсиз қолган худудида яшил ўрмонлар барпо этишга алоҳида эътибор берилаётганлиги, келгуси йилда яна 500 минг гектар ўрмонзор барпо этилиши таъкидланган) ва 2020 йил 6 – октябрда тасдиқланган ПҚ /4850 сон қарорининг тегишли бандларини бажарилиши таъминланган;

Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси тизимидаги Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли ва Мўйноқ давлат ўрмон хўжаликларининг кучли даражада шўрланган майдонларида экологик мувозанатни барқарорлаштириш мақсадида тадқиқотчи томонидан шарқ жийдасининг “Тошкент -16”, “Тошкент – 22” ва “Самарқанд -7” навларидан 1334 дона кўчат тайёрланиб, 4,0 гектар майдонда яшил қопламалар барпо этилган (Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасининг 2022 йилнинг 28 мартдаги 03/18-1544 – сон маълумотномаси). Натижада, ўрмон хўжалиги тизимида 76,0 минг дона стандарт кўчатлари етиштирилиб, 81516,0 минг сўм даромад олинishi таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Тошкент давлат аграр универсиетининг апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган ҳамда тадқиқот натижалари бўйича 20 та, жумладан 3 та халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича 3 та навга гувоҳнома, 3 та патент олинган, 1 та тавсиянома, 2 та монография бirtаси хорижда 5 тилда нашр этилди, 20 та илмий нашрлар эълон қилинган бўлиб, шундан 7 та мақола маҳаллий журналларда, 2 та хорижий журналларда, 3 та халқаро анжуман тўпламларида чоп этилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Маълумки, ҳар бир мевали ва манзарали ўсимликларнинг нави бўлиши муҳим амалий аҳамиятга эга. Шунга кўра Ўзбекистон Республикасида шарқ жийдасининг навлари йўқлиги ва Қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестри рўйхатига йўқлиги туфайли ушбу ўсимлик устида 2008-2020 йиллар оралиғида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида 3 та жийда навлари 8 та баҳолаш меъзонлари асосида танлаш йўли билан илк маротаба яратилди.

**Шарқ жийдасининг “Тошкент -16, Тошкент -22 ва Самарқанд -7”
навларининг яратилиши**

2008 йилда мавзуга доир илмий тадқиқот ишларини ўрганишдан бошланган, 2009-2011 йилларда Республикамизнинг Тошкент воҳасидан 23 та, Хоразм воҳасидан 10 та, Фарғона водийсидан 10 та, Сирдарё вилоятидан 12 та жами 55 та жийданинг плюсли дарахтлари танланди. Ушбу плюсли жийда шаклларнинг орасидан Тошкент воҳасидан шакллардан 7 та, Хоразм воҳасидан шакллардан 5 та, Фарғона водийсидан танланган шакллар орасидан 3 та ва Сирдарё вилоятидан танланган шакллар орасидан 4 та, жами 19 та истиқболли шакллар сифатида ажратилди ва уларнинг клонларидан келтирилиб ТошДАУ “Ахборот маслаҳат маркази” ДУК тажриба майдонида вегетатив усулда клонларидан кўпайтирилди ва Коллекцион жийдазори барпо этилди.

2011-2013 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасидан 7 та плюсли шакллар ажратилиб улар орасида қимматли белги хусусиятларига кўра 2 та, Самарқанд вилоятидан 7 тадан 2 та, Қашқадарё вилоятидан 12 тадан 2 та ва Сурхандарё вилоятидан 6 та 2 та, жами 32 та плюсли шакллар орасида қимматли хўжалик белгиларига кўра 8 та истиқболли шакллар сифатида ажратилди ва ушбу шаклларнинг ҳам клонлари келтирилиб ТошДАУ қошидаги “Ахборот маслаҳат маркази” тажриба майдонида вегетатив усулда клонларидан кўпайтирилди. 2009-2013 йиллар оралиғида асосий қимматли хўжалик белгилари бўйича ажратиб олинган жами 27 та истиқболли шаклларнинг 23 таси асосида Коллекцион жийдазор барпо этилди.

2014-2019 йиллар давомида Коллекцион жийдазорда экилган истиқболли шаклларнинг ҳосилдорлиги, қимматли хўжалик белгиларига кўра “Дегустация” таҳлил жараёнлари олиб борилди. Олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлар натижаларига кўра Тошкент-16, Тошкент -22 ва Самарқанд -7 истиқболли шакл намуналар 2019 йилда Давлат нав синаш комиссиясига топширилди ва синовдан муваффақиятли ўтди.

Оддий шарқ жийдасининг маҳаллий шакли (назорат), истиқболли Тошкент -16, Тошкент -22 ва Самарқанд -7 шакллари ҳосилдорлиги бўйича баҳолаш натижалари

№	Шакллар номи	Экилган йили	Ҳосилга кирган йили	1 дона жийда мевасининг ўртача вазни, г	Жийда мевасининг таъми балл	Ҳосилдорлик кг/туп				Ўртача тўрт йиллик ҳосилдорлик кг/туп
						2015	2016	2017	2018	
№	Оддий шарқ жийдаси (назорат)	2010	2014	1.0 -1.5	2	2,0	3,5	3	6	3,6
1	Тошкент-16	2010	2013	1,9-2,3	4,5	9	13,0	19	15,0	14
2	Тошкент-22	2010	2014	2,4-2,6	5	10	9	16	15	12,5
3	Самарқанд-7	2010-2011	2013	3.5-4.2	4	13,5	15,0	17,0	15,0	15,1

2-жадвал

Шарқ жийдасининг истиқболли Тошкент -16, Тошкент -22 шакллариға, Тошкент -11 шакли (назорат), га нисбатан ҳосилдорлиги бўйича баҳолаш натижалари

№	Шакллар номи	Экилган йили	Ҳосилга кирган йили	1 дона жийда мевасининг ўртача вазни, г	Жийда мевасининг таъми балл	Ҳосилдорлик кг/гуп				Ўртача тўрт йиллик ҳосилдорлик кг/гуп
						2015	2016	2017	2018	
№	Тошкент - 11 шакли (назорат)	2010	2014	2,4-3,1	3	5	6,5	8	12	7,8
1	Тошкент-16 шакли	2010	2013	1,9-2,3	4,5	9	13,0	19	15,0	14
2	Тошкент-22 шакли	2010	2014	2,4-2,6	5	10	9	16	15	12,5

Шарқ жийдасининг истиқболли Самарқанд -7 навини Самарқанд – 1 (назорат) шаклига нисбатан ҳосилдорлиги
бўйича баҳолаш натижалари

№	Шакллар номи	Экилган йили	Ҳосилга кирган йили	1 дона жийда мевасининг ўртача вазни, г	Жийда мевасининг таъми балл	Ҳосилдорлик кг/туп				Ўртача тўрт йиллик ҳосилдорлик кг/туп
						2015	2016	2017	2018	
№	Самарқанд - 1 шакли (назорат)	2011	2014	1.0 -1.5	3	2,0	4	9	5	5
3	Самарқанд- 7 шакли	2010- 2011	2013	3.5-4.2	4	13,5	15,0	17,0	15,0	15,1

4-жадвал

Шарқ жийдасининг Тошкент- 16, Тошкент -22 ва Самарқанд -7 навларини назорат варианты сифатида олинган оддий шарқ жийдаси ва Тошкент -11 ҳамда Самарқанд -1 шакллари меваларининг биоморфологик кўрсаткичлари бўйича таҳлили

№	Танланган шакл ва навлар	Мева узунлиги, см	Мева диаметри, мм	Мева оғирлиги, г	100 та мева оғирлиги, г	Данак узунлиги, см	Данак диаметри, мм	Данак оғирлиги, г	Мева эти оғирлиги миқдори, г	Мева этининг мева оғирлиги га нисбати %	1000 та данак оғирлиги, г	Дарахт кўрсаткичлари		Дарахтнинг ўртача ҳосилдорлиги, кг
												H/м	D/см	
№	Оддий шарқ жийдаси (назорат)	1,6±0,03	1,4±0,01	1,1±0,01	103,5	1,3±0,01	0,5±0,01	0,3±0,00	0,8±0,02	72,7	314	4	8	4
№	Тошкент-11 шакли (назорат)	2,8±0,04	1,9±0,03	2,6±0,06	268,1	2,2±0,04	0,5±0,01	0,4±0,00	2,2±0,01	84,6	456	5	12	10
1	Тошкент-16 нави	2,9±0,05	2,1±0,03	2,9±0,05	297,3	2,3±0,04	0,5±0,01	0,4±0,01	2,5±0,01	86,2	431	5	16	14
2	Тошкент-22 нави	3,1±0,05	2,0±0,03	2,8±0,06	292,2	2,2±0,03	0,5±0,01	0,4±0,00	2,4±0,02	85,7	428	5,5	13	12,5
№	Самарқанд -1 шакли (назорат)	2,4±0,01	1,7±0,01	2,2±0,04	211,9	1,6±0,02	0,4±0,01	0,4±0,00	1,7±0,04	77,3	465	4	14	10
3	Самарқанд-7 нави	3,2±0,04	2,1±0,03	3,5±0,05	363,5	2,4±0,03	0,5±0,01	0,5±0,01	3,0±0,06	85,7	569	5	15	15,1

Шарқ жийдасининг Тошкент -16, Тошкент -22 ва Самарқанд -7 навлари
(Аналогик андоза шакл) га нисбатан биоморфолок белгилари

Кўрсаткичи (белгиси)	Аналогик андоза шакл	Тошкент-16 навини ифодаловчи белгиси
Тошкент-16 нави		
2. Шохи: вегетация охиридаги ранги	Қизғиш жигарранг 3	Жигарранг 4
3. Барг пластинкаси: (+) ўлчами	Кичик 3	Ўртача 5
4. Барг пластинкаси: шакли (+)	Узунчоқ овал 3	Овал шаклда 2
8. Барг пластинкаси: юқори томони яшил	ёркин 3	Ўртача 5
12. Барги: банд узунлиги	қиска 3	узун 7
15. Гули: ўлчами	кичик 1	йирик 2
17. Мева: ўлчами (*) (+)	Кичик 3	Ўртача ўлчамли 5
Тошкент-22 нави		
Кўрсаткичи (белгиси)	Аналогик андоза шакл	Тошкент-22 навини ифодаловчи белгиси
2. Шохи: вегетация охиридаги ранги	Қизғиш жигарранг 3	Тўқ жигарранг 5
3. Барг пластинкаси: (+) ўлчами	Кичик 3	Ўртача 5
4. Барг пластинкаси: шакли (+)	Узунчоқ овал 3	Овал шаклда 2
8. Барг пластинкаси: юқори томони яшил	ёркин 3	Ўртача 5
12. Барги: банд узунлиги	қиска 3	ўртача 5
15. Гули: ўлчами	кичик 1	йирик 2
17. Мева: ўлчами (*) (+)	Кичик 3	Ўртача ўлчамли 5
Самарқанд -7 навини		
Кўрсаткичи (белгиси)	Аналогик андоза шакл	Самарқанд -7 навини ифодаловчи белгиси
2. Шохи: вегетация охиридаги ранги	Қизғиш жигарранг 3	Жигарранг 4
3. Барг пластинкаси: (+) ўлчами	Кичик 3	Ўртача 5
8. Барг пластинкаси: юқори томони яшил	ёркин 3	Тўқ яшил 5
12. Барги: банд узунлиги	қиска 3	узун 7
15. Гули: ўлчами	кичик 1	йирик 2
17. Мева: ўлчами (*) (+)	Кичик 3	Йирик 7
24. Мева: таъми +	Нордон-ширин 2	Ширин 3

2020 йил 26 февралда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари давлат реестрига киритилди ҳамда Тошкент -16 селекция ютуғига № 065 рақамли, Тошкент -22 селекция ютуғига № 064 рақамли ва Самарқанд -7 селекция ютуғига № 066 рақамли гувоҳномалар Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Маркази томонидан олинди. Шу билан бирга 2020 йил ноябрда эса NAR 00278 рақамли, NAR 00279 рақамли ва NAR 00280 рақамли патентлар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал Мулк агентлиги томонидан олинди.

Селекция ютуғи, ўсимлик нави патентининг илмий янгилиги:

Ўзбекистон республикаси ҳудудида талабнома топширилган кундан эътиборан камида 1 йил олдин, (муаллиф томонидан 2019 йилда талабнома топширилган) селекциячи томонидан сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа шахсга берилмаган бўлса янгилик ҳисобланади;

Республикамізда биринчи марта маҳаллий шароитлардан танлаш асосида меваларининг биоморфологик жиҳатдан товарлилиги юқори экспортбоб хусусиятларга эга, озиқ-овқат ва фармацевтика саноатига яроқли, серҳосил шарқ жийдасининг «Тошкент -16» навининг яратилганлиги;

Республикамізда биринчи марта маҳаллий шароитлардан танлаш асосида меваларининг биоморфологик жиҳатдан товарлилиги юқори экспортбоб хусусиятларга эга, озиқ-овқат ва фармацевтика саноатига яроқли, серҳосил шарқ жийдасининг «Тошкент -22» навининг яратилганлиги;

Республикамізда биринчи марта маҳаллий шароитлардан танлаш асосида меваларининг биоморфологик жиҳатдан товарлилиги юқори экспортбоб хусусиятларга эга, озиқ-овқат ва фармацевтика саноатига яроқли, серҳосил шарқ жийдасининг «Самарқанд -7» навининг яратилганлиги;

Республикамізда биринчи марта маҳаллий шароитда ўсиб ривожланаётган ўсимликни илмий асосланган ҳолда “НОН ЖИЙДА” (монография 2016)” ва “Шарқ жийдасини комплекс баҳолаш, истиқболли шакллари ва вегетатив кўпайтириш ва плантацияларини барпо этиш” бўйича Тавсиянома (2017) ни чоп этилганлиги ва ушбу қўлланмага кўра Оролбўйи минтақасида иқлимлаштирилганлиги билан изоҳланади.


❖ Селекция ютуғи, ўсимлик нави патентининг фарқланиши:

Шарқ жийдасининг янги «Тошкент -16», «Тошкент -22» ва «Самарқанд -7» навлари, андоза Самарқанд - 1 шаклига нисбатан меваларининг узунлиги, диаметри, оғирлиги, мева этининг мева оғирлигига нисбатан юқорилиги ва дарахтнинг ҳосилдорлик жиҳатидан ва 6 йиллик дегустацион баҳолаш (назорат Тошкент 11 шаклига нисбатан олинган) натижаларининг юқорилиги билан ҳам фарқланади.

Жумладан, 2014 йилда Академик М.Мирзаев номли Ўзбекистон боғдорчилик узумчилиги ва виночилик илмий тадқиқот институтининг бир қатор олимлари Ш.И.Асадов, Е.А.Шредер, Г.Қараходжаева, Ҳ.Р.Абдуллаева, Н.Джалилов ва б., томонидан 5 балл тизимида баҳоланган (1-расм).

Собиқ, Манарали боғдорчилик ва Ўрмон хўжалиги Республика илмий ишлаб чиқариш маркази олимлари томонидан Р.А.Султонов, А.Ўтаназаровлар 5 балл тизимида баҳолаб берилган (2014 й) (1-расм).

2016-2019 йиллар давомида ТошДАУ олимларидан профессорлар А.Қайимов, Э.Т.Бердиев, И.Нормуродов, доцентлар С.А.Турдиев, Д.Жанаквалар томонидан жийда мевалари дегустация натижаларига кўра Тошкент-16, Тошкент – 22 ва Самарқанд -7 навлари, (Тошкент -11 шакли назорат) нисбатан ижобий баҳоланган (1-расм).



1-расм. Жийданинг истикболли шакллари Дегустация

Селекция ютуғи, ўсимлик нави патентининг ўхшашлиги:

Шарқ жийдасининг янги «Тошкент -16», «Тошкент -22» ва «Самарқанд -7» навларини, турдош бўлган маҳаллий нав ва шакллари ўзига хос тарзда уруғидан ва вегетатив усулда кўпайтириш жараёнида ўсимликнинг асосий хўжалик морфологик белги ва хусусиятлари бўйича етарли даражада ўхшашлиги билан асосланади.

Ихтиро патентининг барқарорлиги:

Шарқ жийдасининг янги «Тошкент -16», «Тошкент -22» ва «Самарқанд -7» навларини бир неча марта вегетатив усулда клонларидан кўпайтирилганда уларнинг келгуси авлодларига, асосий қимматли хўжалик белгиларини ўзгаришсиз қолиши билан барқарор ҳисобланади.

6-жадвал

Яратилган янги навларнинг кўпайтириш тизими

Йил	Тошкент -16	Тошкент -22	Самарқанд -7
1	Танланган шакл	Танланган шакл	Танланган шакл
2	Коллекцион боғи	Коллекцион боғи	Коллекцион боғи
3	Клонларидан вегетатив кўпайтириш кўчатзори	Клонларидан вегетатив кўпайтириш кўчатзори	Клонларидан вегетатив кўпайтириш кўчатзори
4	Жийданинг она ва саноат плантациясини барпо этиш	Жийданинг она ва саноат плантациясини барпо этиш	Жийданинг она ва саноат плантациясини барпо этиш

Селекция ютуғи жийданинг “Тошкент - 16” навини қисқача тавсифи

Тошкент-16 нави апрель охири-май ойининг биринчи декадасида қийғос гуллайди, меваси 20 сентябрдан кейин физиологик жихатдан тўлиқ пишиб етилади (оловранг, қизғиш) рангда, қуруқ ҳидсиз. Мевасининг узунлиги 2,6-3,0 см гача, диаметри 1,8-2,0 см, мева оғирлиги 1,8-2,3 г гача. Данак узунлиги 1,8-2,5 мм, диаметри 0,5 мм, оғирлиги 0,3-0,4 г.



1-расм. Тошкент 16 нави дарахти



2-расм. Тошкент 16 навининг мевалари

Мева таркибидаги углевод микдори -53,6% қобиғида 54,1%. Пишиб етилган меваларни терим даври сентябр ойининг 3 декадаси, октябрь ойининг 3 декадасигача. Ҳосилдорлигига кўра бир 8 ёшли 1 туп дарахтдан 9 кг дан 20 кг гача ҳосил йиғиб олинган.

Селекция ютуғи жийданинг “Тошкент - 22” навини қисқача тавсифи

Тошкент - 22 нави 6-8 м катталиқдаги дарахт. Май ойининг 15 санасига қадар тўлиқ гуллайди. Меваларининг узунлиги ўртача 2,8-3,4 см гача , диаметри 1,9-2,1 см мева оғирлиги 2,4-2,9 г. Данак узунлиги 2,0-2,2 см, диаметри 0,4-0,5 мм, данак оғирлиги ўртача 0,4 г.



3-расм. Тошкент - 22 нави дарахти

Меваси сентябр ойининг учинчи декадасида пишиб етилади. Меваси оч сарғиш ва тўқ қизил - жигарранг. Мева таркибидаги углеводлар микдори - 48,5% қобиғида 46,3% ни ташкил қилади. Пишиб етилган меваларни териш даври октябрь ойи. Ҳосилдорлигига кўра 8 ёшли бир туп дарахтдан 10 кг дан 15 кг гача ҳосил йиғиб олинган.



4-расм. А) Тошкент -11 оддий шарқ жийдаси мевалари,
Б) Тошкент-22 навининг мевалари

Селекция ютуғи жийданинг “Самарқанд-7” навини қисқача тавсифи

Самарқанд - 7 нави ўртача катталиқдаги дарахт бўлиб, 5-6 м баландлиқгача ва 15-18 см диаметрга етадиган дарахтдир.

Жийда дарахти апрель охири май ойининг 15 санасигача қийғос гуллайди, гуллари ўта хушбўйлиги билан ажралиб туради, меваси октябр ойининг 3 декадасида тўлиқ пишиб етилади мева сирти силлиқ.

Январ ойига қадар дарахтда сақланади, оч қизил рангда, қуруқ хидсиз. Мевасининг узунлиги 2,8-3,4 см мева деаметри 1,8-2,3 см, мева оғирлиги 2,8-4,2 г. Мева таркибидаги углевод микдори 58,3%, қобиғида 54,1%. Данагининг узунлиги 1,9-2,4 см, диаметри 0,3-0,5 см.

Данак оғирлиги 0,4-0,5 г. Пишиб етилган меваларни терим даври октябр ойининг учинчи декадасидан, ноябрь-декабр ойигача териш мумкин. Ҳосилдорлигига кўра 8 ёшли бир туп дарахтдан ўртача 15 кг ҳосил йиғиб олинган.



5-расм. Самарқанд - 7 нави дарахтининг мевали шохи



6-расм. Самарқанд – 7 навининг мевалари

• ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

- Бизнинг кўп йиллик тадқиқотларимиз натижасида ишлаб чиқилган шарқ жийдасининг истиқболли шакллари танлаш ва баҳолаш ҳамда навларини яратиш услуби ишлаб чиқилди.

- шарқ жийдасини яратилган навларини саноат миқёсида плантацияларда мақсадли ўстириш ва фойдаланишга тавсия этишга асос бўлиб хизмат қилади.

- Тошкент-16, Тошкент -22 ва Самарқанд-7 навларининг клонларидан кўпайтиришлари ва стандарт кўчатлардан боғдорчилик, ўрмончилик ва фермер хўжаликлари фойдаланишлари мумкин бўлади.

Эълон қилинган ишлар рўйхати

I бўлим (I часть; I part)

1. Турдиев С.А., Бердиев Э.Т. Биологические основы вегетативного размножения лоха и облепихи **Журнал. О'ZBEKISTON BIOLOGIYA JURNALI**-Узбекский биологический журнал -Тошкент, 2013.– №1.–С. 20-23.
2. Турдиев С.А., Бердиев Э.Т. Морфология плодов и семян лоховых (*Elaeagnaceae* L.) **Журнал. О'ZBEKISTON BIOLOGIYA JURNALI**-Узбекский биологический журнал -Тошкент, 2013.– № 5.– С. 34-38.
3. Турдиев С.А., Бердиев Э.Т. Селекция крупноплодного лоха в Узбекистане "Генофонд и селекция растений" том 2 овощные, плодовые и декоративные культуры Доклады и сообщения I Международной научно-практической конференции 8-12 апреля 2013 г. ст. 327-331
4. Истикболли жийда шаклларининг биоморфологик ўрганиш натижалари **Журнал. AGRO ILM**. Тошкент, 2013. –№ 2 (26)-SON, Б. 46-47.
5. Турдиев С.А. Шарқ жийдасининг мавсумий ривожланиш ритми фенологияси **Журнал. AGRO ILM Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги**. Тошкент, 2016. –5 [43] –SON . Б. 49-50.
6. Турдиев С.А. Experience vegetative propagation Russian olive (*Elaeagnus angustifolia* L.) in Uzbekistan. **Журнал //Bulletin of Science and Practice**, 5(2), (2019). 159-163. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39/21> (in Russian).
7. Турдиев С.А. Орол бўйи минтақасида таназзулга юз тутган ерларда жийда ўстириш. **Журнал //Экология хабарномаси** Тошкент., 2019. -№3 (215) Б. 20-23.
8. Турдиев С.А. Ўзбекистонда шарқ жийдаси плантацияларини барпо этиш технологияси. **Журнал. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси**. Тошкент, 2019. -№1 (75) Б. 143-145.
9. Турдиев С.А. Селекционная оценка генетических ресурсов лоха восточного (*Elaeagnus orientalis* L.) в Узбекистане. Евразийский союз ученых (ЕСУ) Международный научно -исследовательский **журнал** №3 (72) / 2020 3 часть С. 63-68.
10. Турдиев С.А. Шарқ жийдаси (*Elaeagnus orientalis* L.) ни истикболли шакллари танлаш асосида навларини яратиш меъзони. **Журнал. Ўзбекистон аграр фани хабарномаси**. Тошкент, 2021. -№2 (82/1) Б. 154-157.
11. Қайимов А., Бердиев Э.Т., Турдиев С.А. //Шарқ жийдасини комплекс баҳолаш, истикболли шакллари вегетатив кўпайтириш ва плантацияларини барпо этиш бўйича **Тавсиянома**. ЎзР ФА Минитипографияси, Тошкент, 2017. 40-б
12. Турдиев С.А., А.Қайимов, Бердиев Э.Т. НОН ЖИЙДА (**Монография**) Тошкент, “*Fan va texnologiya*” нашриёти, 2016,- 192 б.
13. Қайимов А., Турдиев С.А. Отбор перспективных форм и вегетативное размножение лоха восточного (*Elaeagnus orientalis* L.) в Узбекистане **Монография**. Интенсивные технологии размножения

посадочного материала в Узбекистане. LAP LAMBERT Academic Publishing RU. (in Germani) 2019.P. 65-76.

14. Қайимов А., С.А.Турдиев. Отбор перспективных форм и вегетативное размножение лоха восточного (*Elaeagnus orientalis* L.) в Узбекистане. **Монография**, Интенсивные технологии размножения посадочного материала в Узбекистане. LAP LAMBERT Academic Publishing RU. (in Germani) 2019.P. 65-76.

15. Қайимов А., Турдиев С.А. Selezione di forme prospettiche e riproduzione vegetative dell' *Elaeagnus orientalis* L. in Uzbekistan (Итальян тилида). **Монография**, Tecnologie intensive di propagazione del materiale vegetale in Uzbekistan (Piantine di frutta) – Beau Bassin, (Mauritius) Lambert Academic Publishing, 2020. С. 60-71.

16. Қайимов А., Турдиев С.А. Wyo'r form perspektywicznych I rozmnaz'anie wegetatywne wschodnie-go *Elaeagnus orientalis* L. w Uzbekistanie (Поляк тилида). **Монография**, Intensywne technologie rosmnazania materiadu sadzeniowego w Uzbekistanie (Sadzonki roslin owocowych) – Beau Bassin, (Mauritius), Lambert Academic Publishing, 2020. С. 60-70.

17. Қайимов А., Турдиев С.А. Selectie van de toekomstige vormen en vegetatieve voortplanting van de oostelijke *Elaeagnus orientalis* L. in Oezbekistan (Нидерланд (голланд) тилида). **Монография**, Intensieve technologieën voor de vermeerdering van plantgoed in Oezbekistan (Zaailingen van fruitgewassen) – Beau Bassin, (Mauritius), Lambert Academic Publishing, 2020. С. 61-71.



18. Қайимов А., Турдиев С.А. Se'lection des forms prospectives et de la reproduction vege'tative de L' *Elaeagnus orientalis* L. en Ouzbe'kistan (Француз тилида), **Монография**, Technologies intensives de propagation du mate'riel de plantation en Ouzbe'kistan (Semis de cultures fruitie'res) – Beau Bassin, (Mauritius), Lambert Academic Publishing, 2020. С. 42-71

II бўлим (II часть; II part)

19. Турдиев С.А. Орол бўйи минтақасининг агромуелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида маданий жийдазорлар барпо этиш. МАТЕРИАЛЫ Международной научно-теоретической КОНФЕРЕНЦИИ «Экологические вопросы сохранения восстановления и охраны биологического разнообразия южного Приаралья» **Част I**, Нукус. 2018 йил 203 бет

20. Турдиев С.А. *Elaeagnus orientalis* L. нинг истиқболли шакллари асосида она ва саноат плантацияларини барпо этиш. СБОРНИК материалов международной научно - практической конференции «ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В ИСПОЛЬЗОВАНИИ АГРОБИОРАЗНООБРАЗИЯ В УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА» (25-26 сентября 2019 г. Ташкент, Узбекистан) С. 63-67.

1. “ЎРМОН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРИ” ўқув қўлланма 2016 йил
2. “ДЕНДРОЛОГИЯ” ДАРСЛИК фав ва технология нашриёти 2015 йил



- Кўп йиллик олиб
борилган илмий
тадқиқотлар
натижалари
умумлаштирилиб
“**Нон жийда**” номли
монография
тайёрланди ва **ФАН**
ва **ТЕХНОЛОГИЯ**
нашриёти томонидан
чоп этилди
(10.06.2016).





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
O'RMON XO'JALIGI DAVLAT QO'MITASI

100144, Toshkent shahri, Qit'ra tumani, Universitet ko'chasi, 2-qo'ng'ir.
Tel.: (998-71) 263-66-70, 263-04-29 Fax: info@ormon.uz E-mail: orm1@ormon.uz

2022-yil 28-mart

№ 02/11-1484

МАЪЛУМОТНОМА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПК-4850-сон қарори билан ўрмон хўжалиги соҳасида илмий-тадқиқот ишлар қўламини кенгайтириш, илмий салоҳиятли кадрлар тайёрлар тизимини йўлга қўйиш вазифалари белгиланган.

Тошкент давлат аграр университети тадқиқотчиси Турдиев Сайдали Ашуровичнинг кўп йиллик тадқиқот ишлари натижасида жийданинг 3 та: NAP 00278 (Самарканд -7), NAP 00279 (Тошкент -16) ва NAP 00280 (Тошкент -22) навлари яратилган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк Агентлиги томонидан патент олинган.

Тадқиқотчининг "Йил жийда" (2016), "Ўтбор перспективних форм и вегетативное размножение лозы восточного (*Elaeagnus orientalis* L.) в Узбекистане" (2019) монографиялари ҳамда "Шарқ жийдасини комплекс баҳолаш, истикболли шакллари вегетатив кўпайтириш ва плантациясини барпо этиш" номли (2017) тавсияномаси чоп этилган. Мазкур қўлашмаларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг Хўжайли давлат ўрмон хўжалигида 1 гектар ва Мўйноқ давлат ўрмон хўжалигида 3 гектар, жами 4 гектар майдонда (1334 тул) янги жийда навлари асосида яшил қўлашмалар барпо этилган бўлиб, гектарида 10 672,0 минг сўм соф фойда олинган.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан тавсия этилган қўчат етиштириш технологияси асосида гектарида 76,0 минг донга стандарт қўчатлари етиштирилиб, 81 516,0 минг сўм даромад олинган.


Тадқиқотчи С.А.Турдиев томонидан мазкур (NAP 00278 (Самарканд -7), NAP 00279 (Тошкент -16) ва NAP 00280 (Тошкент -22)) жийда навларига олинган патент (ихтиро)лар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раёсатининг 2017 йил 27 июндаги "Илмий даражалар берилиш тартиби тўғрисидаги қонунни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига мувофиқ 06.03.01-Ўрмон экинлари, селекция уруғчилик ва шакллари қўлашмалаштириш. Ўрмонлар агроландшафти ва химоя ўрмонлари барпо этиш ихтисослиги бўйича фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун асос бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тадқиқотчи С.А.Турдиевнинг тадқиқот ишлари натижаларини ўрмон хўжаликларида жорий этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Раис ўринбосари



Ғ. Қурбонов



O'SIMLIKLAR NAVIGA
PATENT
ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI
INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI
АГЕНТСТВО ПО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ
ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

O'SIMLIK NAVIGA PATENT № NAP 00278
ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

Ushbu patent O'zbekiston Respublikasining
"Seleksiya yutuqlari to'g'risida"gi Qonuniga asosan
quyidagi o'simlik naviga berildi:

Настоящий патент выдан на основании Закона
Республики Узбекистан «О селекционных
достижениях», на следующий сорт растения:

**«Самарканд-7» Жийда
Джида «Самарканд-7»**

Talabnoma kelib tushgan sana:
Дата поступления заявки:

26.07.2019

Talabnoma raqami:
Номер заявки:

NAP 2019 0040

Ustuvorlik sanasi:
Дата приоритета:

26.07.2019

Patent egasi (egalari):
Патентообладатель(и):

**Тошкент Давлат Аграр университети, UZ
Ташкентский государственный аграрный университет, UZ**

O'simlik navi muallif(lar)i:
Автор(ы) сорта растения:

**Турдиев Сайдали Ашурович, Кайимов Абдухалил, Миров
Нормурод Кенжаевич, UZ**

Patent O'zbekiston Respublikasining barcha hududida 29.08.2020. yildan
patentni kuchda saqlab turish uchun boj o'z vaqtida to'langandagina 20 yil
mubaynida amal qiladi.
O'zbekiston Respublikasi o'simlik navlari davlat reestrda 29.08.2020 yilda
Toshkent shahrida ro'yxatdan o'tkazilgan.

Патент действует на всей территории Республики Узбекистан в течение 20
лет с 29.08.2020 г. при условии своевременной уплаты пошлины за
поддержание в действии.
Зарегистрирован в государственном реестре сортов растений Республики
Узбекистан, в г. Ташкенте, 29.08.2020 г.

**Direktor
Директор**



T. Абдусаттаров



**INTELLEKTUAL
MULK AGENTLIGI**

O'SIMLIKLAR NAVIGA

PATENT

ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI
INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI
АГЕНТСТВО ПО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ
ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

O'SIMLIK NAVIGA PATENT № NAP 00279
ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

Ushbu patent O'zbekiston Respublikasining
"Seleksiya yutuqlari to'g'risida"gi Qonuniga asosan
quyidagi o'simlik naviga berildi:

Настоящий патент выдан на основании Закона
Республики Узбекистан «О селекционных
достижениях», на следующий сорт растения:

«Тошкент-16» Жийда
Джида «Тошкент-16»

Talabnoma kelib tushgan sana:
Дата поступления заявки:

26.07.2019

Talabnoma raqami:
Номер заявки:

NAP 2019 0041

Ustuvorlik sanasi:
Дата приоритета:

26.07.2019

Patent egasi (egalari):
Патентообладатель(и):

Тошкент Давлат Аграр университети, UZ
Ташкентский государственный аграрный университет, UZ

O'simlik navi muallif(lar)i:
Автор(ы) сорта растения:

Турдиев Сайдали Ашурович, Кайимов Абдухалил, Мирон
Нормурод Кенжаевич, UZ

Patent O'zbekiston Respublikasining barcha hududida 29.08.2020. yildan
patentni kuchda saqlab turish uchun bo'j o'z vaqtida to'langandagina 20 yil
mubaynida amal qiladi.
O'zbekiston Respublikasi o'simlik navlari davlat reestrda 29.08.2020 yilda
Toshkent shahrida ro'yxatdan o'tkazilgan.

Патент действует на всей территории Республики Узбекистан в течение 20
лет с 29.08.2020 г. при условии своевременной уплаты пошлины за
поддержание в действии.
Зарегистрирован в государственном реестре сортов растений Республики
Узбекистан, в г. Ташкенте, 29.08.2020 г.

Direktor
Директор

 Т. Абдусаттаров

 INTELLEKTUAL
MULK AGENTLIGI

O'SIMLIKLAR NAVIGA
PATENT
ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI
INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI
АГЕНТСТВО ПО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ
ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

O'SIMLIK NAVIGA PATENT № NAP 00280
ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

Ushbu patent O'zbekiston Respublikasining
"Seleksiya yutuqlari to'g'risida"gi Qonuniga asosan
quyidagi o'simlik naviga berildi:

Настоящий патент выдан на основании Закона
Республики Узбекистан «О селекционных
достижениях», на следующий сорт растения:

**«Тошкент-22» Жийда
Джида «Тошкент-22»**

Talabnoma kelib tushgan sana:
Дата поступления заявки:

26.07.2019

Talabnoma raqami:
Номер заявки:

NAP 2019 0042

Ustuvorlik sanasi:
Дата приоритета:

26.07.2019

Patent egasi (egalari):
Патентообладатель(и):

**Тошкент Давлат Аграр университети, UZ
Ташкентский государственный аграрный университет, UZ**

O'simlik navi muallif(lar)i:
Автор(ы) сорта растения:

**Турдиев Сайдали Ашурович, Кайимов Абдухалил, Миров
Нормурод Кенжаевич, UZ**

Patent O'zbekiston Respublikasining barcha hududida 29.08.2020. yildan
patentni kuchda saqlab turish uchun boj o'z vaqtida to'langandagina 20 yil
mubaynida amal qiladi.
O'zbekiston Respublikasi o'simlik navlari davlat reestrida 29.08.2020 yilda
Toshkent shahrida ro'yxatdan o'tkazilgan.

Патент действует на всей территории Республики Узбекистан в течение 20
лет с 29.08.2020 г. при условии своевременной уплаты пошлины за
поддержание в действии.
Зарегистрирован в государственном реестре сортов растений Республики
Узбекистан, в г. Ташкенте, 29.08.2020 г.

**Direktor
Директор**

 **Т. Абдусаттаров**



**INTELLEKTUAL
MULK AGENTLIGI**